

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ГАЙИБОВ УЛУГБЕК ГАШПАРЖАНОВИЧ

**ЕУРОПВА ЎСИМЛИКЛАРИ ПОЛИФЕНОЛЛАРИНИНГ
МИТОХОНДРИЯ ФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гайибов Улугбек Гаппаржанович

Euphorbia ўсимликлари полифенолларининг митохондрия
функционал параметрларига таъсири 5

Гайибов Улугбек Гаппаржанович

Влияние полифенольных соединений растений Euphorbia на
функциональные параметры митохондрий 21

Gayibov Ulugbek Gapparjanovich

Influence of polyphenol compounds of Euphorbia plants on functional
parameters of mitochondria..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. В.38.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ГАЙИБОВ УЛУГБЕК ГАШПАРЖАНОВИЧ

**EURHOVIA ЎСИМЛИКЛАРИ ПОЛИФЕНОЛЛАРИНИНГ
МИТОХОНДРИЯ ФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/В249 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (info@microbio.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипов Таҳир Фатихович

биология фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Кучкарова Любовь Салижановна

биология фанлари доктори, профессор

Суяров Акрам Амиркулович

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раисининг ўринбосари, б.ф.д., профессор

Жураева Рохила Назаровна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.

Рахимова Турахон Узаковна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий тиббиёт ва фармакологияда маълум бир касалликларга қарши йўналтирилган ва салбий таъсирга эга бўлмаган энг самарали дори воситаларини аниқлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, кўплаб касалликларнинг келиб чиқиш ҳолатлари ёки уларни кечиши митохондрияларнинг функционал параметрларини бузилиши сабаб бўлади. Бу борада, организмни турли стресс ҳолатларга адаптация жараёнларини полифенол бирикмалар ёрдамида кучайтириш ва улар асосида терапевтик таъсирга эга рақобатбардош нейро- ва кардиопротектор ҳамда антигипоксанти дори воситаларини яратиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда кўпгина мамлакатларда ўтказилаётган илмий тадқиқотларда митохондрия функционал параметрларига таъсир қиладиган ўсимлик биологик фаол моддалар, яъни полифенол бирикмаларни аниқлаш амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Жумладан, улар антиоксидант, мембранафаол ва мембрана потенциални камайтирувчи, митохондрия мегапорасини ингибирловчи, АТФга боғлиқ калий канални фаоллаштирувчи ва захарлилик даражаси кам бўлган биологик фаол бирикмалар бўлиб, улар асосида фармакологик препаратларни яратиш учун истиқболли манбалар ҳисобланади. Бу борада, полифенол бирикмалар асосида фармакологик препаратлар нишон факторларга енгил таъсир кўрсатиш ва юқори антиоксидантлик хусусиятига эга бўлиши, стресс ҳолатидаги организмда адаптация жараёнини кучайтиришига асосланган. Шу сабабли, митохондрия функционал параметрларига самарали таъсир этувчи биологик фаол моддаларни аниқлаш ва улар асосида терапевтик таъсирга эга дори воситаларини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда турли касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, фармацевтик препаратлар билан таъминлаш ва моддий техник базани яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида этибор қаратилмоқда. Бу борада, турли патологик ҳолатлардаги (гипоксия, ишемия/реперфузия) митохондриал дисфункцияни коррекция қилиш механизмлари аниқлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган, полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғи жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»

ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарориди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. *In vitro* ва *in vivo* шароитларда организмдаги митохондрия ва уларнинг дисфункциясини ўрганиш йўналишида дунёдаги кўплаб илмий текшириш марказларида бир қатор олимлар, жумладан, М. Crompton (1999), К.Д. Garlid (2003), М.Р. Duchon, J.J. Lemaster (2010), R. Ferranti (2003), P. Bernardi (2007), О.И. Аكوпова, Л.Д. (2008), Лукьянова (2013) иш олиб боришган. Англиялик олим А.Р. Halestrap (2003) ишларида митохондриал мегаканал mPTP нинг тузилиши ва унинг регуляция механизми ёритилган. R. Ankur (2012) ишларида АТФ га боғлиқ калий канал ва унинг функцияси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Г.Д. Миронова (2015) ишларида митохондриялардаги АТФ га боғлиқ калий канали ва mPTPга биологик фаол моддаларнинг таъсири ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимлари В.Е. Новиков ва унинг шогирдлари томонидан (2013) турли патологик ҳолатларда, масалан гипоксия, ишемия/реперфузия ҳолатларидаги митохондриал дисфункцияни регуляция қилиш механизми келтирилган.

Республикада микёсида баъзи бир полифенол бирикмаларнинг митохондрия функционал параметрларига таъсири М.И. Асраров (2015), К.Т. Алматов (2017) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, 1990 йилларга келиб митохондрия дисфункцияси ва mPTP нинг турли патологик ҳолатларида муҳим аҳамият касб этишини систематик тарзда ўрганила бошланган. Мазкур диссертация ишининг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки экспериментал-технология лабораторияси ходимлари томонидан *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган, полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини ўрганишдан иборат. Мазкур йўналишдаги илмий изланишлар долзарб ҳисобланиб илмий-амалий аҳамиятга касб этади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ПЗ 20170919129 «Маҳаллий хом-ашё асосида сироп кўринишдаги “Tinchitish-shifo” ва “Buyrak-shifo” биологик фаол кўшимчаларни олиниш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй), ФА-АЁО11 «Лютеолин полифенолининг ҳамда унинг ҳосилаларини

(цинарзид) циклодекстринлар билан сувда эрийдиган комплексларини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни биологик фаолликларини ўрганиш» (2015-2017 йй), ВА-ФА-Ф-7-004 «Турли лигандли биофаол координацион бирикмалар тузилишини уларнинг ҳосил бўлишини ҳароратга боғлиқлигини тадқиқ қилиш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Euphorbia ўсимлигидан ажратиб олинган полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини ва улар асосида дори воситаларини яратиш имконини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Euphorbia ўсимлигининг полифенол бирикмаларини антиоксидантлик хусусиятини турли усуллар билан аниқлаш ҳамда уларни турли эркин радикалларга нисбатан фаоллигини аниқлаш;

полифенол бирикмалар учун митохондрияларни потенциал нишон сифатидаги ролини аниқлаш ва асосий митохондрия функционал параметрларини коррекциялаш механизминини исботлаш;

Euphorbia ўсимлигининг полифенол бирикмаларини сичқон моделларида клиник олди синовларини ўтказиш, уларни специфик фаоллигини ва захарлилигини асослаш;

Полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсири билан уларнинг биологик фаолликлари ўртасидаги корреляция коэффициентини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-1), 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-1), 1,4,6 три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-3), антирадикал хусусияти, каламуш жигари митохондриялари, ЛПО, mPTR, mitoK_{ATP}-канал, оксидланиш-фосфорланиш жараёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Euphorbia ўсимликларидан ажратиб олинган янги полифенол бирикмаларини жигар митохондрияларининг функционал параметрларига таъсир механизминини тадқиқ қилиш учун физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар бажарилишида замонавий дифференциал центрифугалаш, спектрофотометрия, полярография, ядро-магнит резонанси (ЯМР), электрон парамагнит резонанс (ЭПР) ва физиологик ҳамда биокимёвий услублардан фойдаланилган. Барча экспериментал маълумотлар Excel (Microsoft Office 2016) Origin 8.0 (OriginLab Corporation, АҚШ) ва Scilab 6.0.1. (Scilab Enterprises, Франция) математик-статистик таҳлил дастур пакетларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *in vitro* ва *in vivo* шароитларда полифенол бирикмаларнинг антиоксидант/антирадикал фаолликлари аниқланган;

супероксидрадикал, гидроксилрадикал, пероксид водород, дифенилпикрилгидразил (ДФП) каби эркин радикалларга нисбатан фаолликлари асосланган;

полифенол бирикмаларни митохондрия мембраналаридаги липидларни перекисли оксидланиши маҳсулотларини камайтириш хусусиятлари аниқланган;

илк бор полифенолларни mPTP мегапорасига, $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ калий каналига, оксидланиш-фосфорланиш жараёнларига, митохондрия мембраналари орқали катионларни пассив транспортига таъсири биологик фаол моддаларнинг физиологик концентрацияларида исботланган;

олинган натижаларнинг таҳлили тадбиқ этилган бирикмалар митохондрияларнинг энергетик параметрларини тикланишига олиб келиши ва хужайра ҳамда тўқималарни гипоксик стресс ҳолатида барқарорлигини очиб берилган;

Euphorbia ўсимликларидан ажратиб олинган полифеноллар IV-V кам захарли бирикмалар синфига тегишли эканлиги экспериментал исботланган, ҳамда уларнинг LD_{50} қиймати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсири бўйича олинган илмий натижалар антигипоксик дори воситаларини яратиш мақсадида полифенол бирикмалар ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 мембранафаол хоссалари аниқланган;

митохондрия функционал параметрларига коррекцияловчи таъсир кўрсатган полифенол бирикмалар янги антиоксидант воситалари яратилган;

митохондрия Ca^{2+} га боғлиқ ЦсА-сезгир пораси ва АТФ га боғлиқ K^{+} -каналли модуляторлари сифатида физиология ва фармакологияда тадқиқот инструментлари сифатида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий физиологик усуллар ва аппаратлар, дастурий таъминотлар, шунингдек уларнинг замонавий биофизикавий-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Ҳар бир тадқиқот натижаси энг камида 4-6 марта такрорланган. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стьюдент критерийси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда Origin 8.0 (OriginLab Corporation, АҚШ) ва Scilab 6.0.1 (Scilab enterprises, Франция) компьютар дастурларида статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган бирикмалар *in vitro* шароитда митохондрия функционал параметрларига модулятор сифатида таъсир этиб, антиоксидантлик, антигипоксиклик ва мембранафаол хоссаларини намоён қилиб, бу биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар физиология ва фармакологиянинг назарий ва амалий қисмини тўлдириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, биологик фаол моддаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини скрининг сифатида қўлланилиб, янги ва самарали антигипоксанти дори воситаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полифенол моддаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 ларнинг антиоксидантлик фаоллигини намоён қилиши ФА-А11-Т061 рақамли “Махаллий ўсимлик хомашёси полифеноллари асосида вирусга қарши дори воситалари яратиш” фундаментал лойиҳасида *in vitro* шароитда митохондрия мембраналарини Fe^{2+} /аскорбат билан индуцирланган пероксидли оксидланиш моделларида антиоксидант фаолликлари аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 14 ноябрдаги 4/1255-3009-сон маълумотномаси). Натижада Fe^{2+} /аскорбат билан индуцирланган пероксидли оксидланиш моделларида антиоксидант фаолликлари ва уларнинг захарлилик даражасини аниқлаш имконини берган;

гипоксия ҳолатида ва ундан кейин кечадиган ҳолатларда митохондрияларни ҳимоялаб, организмдаги адаптация жараёнини кучайтириши Барселона Автоном университетининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Universitat Autònoma de Barcelona (Испания) 2018 йил 12 июндаги маълумотномаси). Натижада организмдаги оксидатив стресс ва нейродегенератив ҳолатлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини берган;

полифенол бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсирини гипоксик стрессни коррекциялаш ва жигар митохондриялари энергетик параметрлари Лодз Университетининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Wydział biologii i ochrony Środowiska (Польша) университетининг 2018 йил 22 июндаги маълумотномаси). Натижада митохондрия функционал параметрларига полифенол бирикмаларнинг таъсир механизмларини аниқланиши кўплаб касалликларни олдини олиб нейропротекторлик хоссаларини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, шулардан 7 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Митохондрияларнинг организмдаги физиологик ўрни ва патологик ҳолатларда уларни коррекция қилиш**» деб номланган биринчи бобда замонавий адабиётлар асосида митохондрия, mPTP, mitoK_{ATP}, антиоксидант тизим каби уларнинг функционал параметрлари ва мазкур параметрларни патологик ҳолатларда ўсимликлардан ажратиб олинган турли полифенол бирикмалар асосида уларни коррекция қилиш механизмлари ёритилган. Адабиётларда келтирилишича, митохондрия функционал параметрлари фармакологик агентлар (полифеноллар) учун специфик нишон сифатида хизмат қилиши мумкин. Бундан мақсад организмни турли стресс ҳолатларга адаптация жараёнларини регуляция қилишдан иборат ва улар асосида терапевтик таъсирга эга янги самарали дори воситаларини яратиш ҳамда маълум бўлган препаратларнинг таъсир қилиш механизмларини ёритиш имкониятлари ва тасаввурни кенгайтиришга имкон беради. Бироқ, полифенол бирикмалар асосида яратилган дори воситалари замонавий тиббиёт талабларига тўлиқ жавоб бермайди, уларнинг аксарияти эса «исботланмаган терапевтик таъсирга эга» категориясига тегишлидир.

Шу аснода самаралироқ таъсирга эга полифенол бирикмаларни излаб топиш янги дори воситаларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Полифенол бирикмаларини митохондрия функционал параметрларига таъсирини ўрганиш материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотларни ўтказиш босқичлари, стресс ҳолатларидаги митохондрия дисфункцияларини ўрганиш услублари ва материаллари, дифференциал центрифугалаш усули ёрдамида каламуш жигаридан митохондрияларни ажратиш, полифенол бирикмалари mPTP ни ингибирлаш хусусиятларини баҳолаш, полифенол бирикмаларни антиоксидант/прооксидант ва антирадикал фаолликларини аниқлаш, полифеноллар таъсирида mitoK_{ATP}-канални фаоллашишини баҳолаш усуллари, ўрганилган бирикмаларни антигипоксанти хусусиятларини аниқлаш, уларни захарлилигини баҳолаш ҳамда математик усуллар ёрдамида корреляция коэффициентини аниқлаш, натижаларни статистик қайта ишлаш услуби ёритилган.


Диссертациянинг «**Euphorbia ўсимликлари полифенолларини биологик фаолликлари ва уларни митохондрия функционал параметрларига таъсири**» деб номланган учинчи бобда Euphorbia

ўсимлигидан ажратиб олинган 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза, 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза ва 1,4,6 три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза бирикмаларини шартли равишда ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 деб номлаб, уларини антиоксидант ва антирадикал хусусиятларини таҳлил қилиш тажрибалар натижалари келтирилган. Инкубация муҳитига Fe²⁺/аскорбат қўшилганда ЛПО жараёни бошланади, натижада митохондрия мембранасининг барьерлик хусусияти бузилиб, митохондрияларнинг бўқишига олиб келади (1 расм). ЛПО жараёнига 1 мкМ концентрацияда ПС-1 ни қўшганимизда митохондрияларнинг бўқиши ингибирланганини кузатамиз, бу ҳолат ПС-1 ни антиоксидантлик хусусияти намоён бўлишидан далолат беради. ПС-1 ни ЛПО жараёнига таъсири концентрацияга боғлиқ бўлиб, яъни ПС-1 ни концентрацияси ортгани сайин ЛПО жараёнининг ингибирланиши кучайиб боради. Жигар митохондрияларининг бўқишини тўлиқ ингибирланиши ПС-1 нинг 10 мкМ концентрациясида кузатилди. Ушбу ҳолатда ЛПО жараёнини ярим максимал ингибирловчи концентрация ПС-1 учун 6,08±0,06 мкМ ни ташкил қилди. Шундай қилиб, тажрибаларда ПС-1 ни антиоксидантлик хусусияти кўрсатилди.




1-расм. Fe²⁺/аскорбат тизими ёрдамида индукцияланган жигар митохондрияларини бўқишига ПС-1 нинг таъсири.
 ИМ (мМ): KCl - 125, трис-HCl - 10, pH 7,4; FeSO₄ – 0,01, аскорбата – 0,6; белок митохондрий 0,3-0,4 мг/мл; (** - P<0,01, *** - P<0,001; n=4).

ЛПО жараёнини индукцияланган ҳолатда инкубация муҳитига ПС-2 2 мкМ концентрацияда қўшилганда митохондрияларнинг бўқиши қисман ингибирланиши кузатилди. ПС-2 концентрацияси оширилгани сайин ЛПО жараёнини ингибирланиш киймати ошиб, тўлиқ ингибирланиши кузатилди. Шундай қилиб, ПС-2 бирикмасининг антиоксидантлик хусусиятини намоён қилиши аниқланди. ЛПО жараёнини ярим максимал ингибирланиш концентрацияси (IC₅₀) ПС-2 учун 4,88±0,07 мкМ ташкил қилди (2-расм).



2-расм. Fe^{2+} /аскорбат тизими ёрдамида индукцияланган жигар митохондрияларини бўқишига ПС-2 ning таъсири.
 ИМ (мМ): КСl - 125, трис-НСl - 10, рН 7,4; $FeSO_4$ - 0,01, аскорбата - 0,6; белок митохондрий 0,3-0,4 мг/мл; (** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$; $n=4$).

ПС-3 ни Fe^{2+} /аскорбат тизими билан чақирилган ЛПО жараёнига таъсирини аниқлаш натижаларига асосан, бу полифенол бирикма инкубация муҳитига 2 мкМ қўшилганда митохондрияларни бўқишини 44 % камайтириши аниқланди. ПС-3 ни концентрацияси 10 мкМ га оширилганда ЛПО жараёни тўлиқ ингибирлангани кузатилди. Мазкур ҳолатда ЛПО жараёнини ярим максимал ингибирланиш концентрацияси (IC_{50}) ПС-3 учун $5,25 \pm 0,07$ мкМ ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Fe^{2+} /аскорбат тизими ёрдамида индукцияланган жигар митохондрияларини бўқишига ПС-3 ning таъсири.
 ИМ (мМ): КСl - 125, трис-НСl - 10, рН 7,4; $FeSO_4$ - 0,01, аскорбата - 0,6; белок митохондрий 0,3-0,4 мг/мл; (** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$; $n=4$).

Олинган натижаларни таҳлиliga кўра тадқиқ қилинган бирикмалар Fe^{2+} /аскорбат тизими билан чақирилган ЛПО жараёнини ингибирлаши деярли бир хил концентрацияларда кузатилди.

Тадқиқотларимизни кейинги қисмида полифенол бирикмаларни митохондрия мембраналаридаги липидларни перекисли оксидланиши жараёнида малон диальдегиди (МДА) ҳосил бўлиши ўрганилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, полифенол бирикмалар 25 мкМ концентрацияда жигар митохондрияларидаги ЛПО жараёнини чақирадиган индукторлар таъсирини тўлиқ ингибирлаши аниқланди. Бу ҳолатда ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 моддалар МДА ҳосил бўлишини мос равишда 92%, 90% ва 95% камайтиргани аниқланди.

Каламуш жигар митохондрияларида ЛПО маҳсулотини, яъни МДА ни ҳосил бўлишини 50% га камайтириш қиймати (IC_{50}) полифенол бирикмалар

учун куйидаги концентрацияларни ташкил қилди (мкМ модда/мг оксил): ПС-1 – 5,08 мкМ, ПС-2 – 5,05 мкМ, ПС-3 -5,02 мкМ.

Переокисли оксидланишни якуний махсулотларини МДА ни аниқлаш биологик фаол бирикмаларни антиоксидантлик хусусиятларини (АОХ) аниқлашнинг классик усули ҳисобланади. Адабиётларда полифенолларни АОХ турли металл ионлари билан хелатлар ҳосил қилиши ва бевосита O_2^\bullet , OH-радикал ва синглет кислород каби кислороднинг фаол шакиллари билан бирикиши орқали ифодаланади. Бундан ташқари, полифеноллар реакция муҳитни компонентлари билан бирикиши ҳам мумкин, бу ҳолда олинган натижалар аниқ чиқмаслиги мумкин. МДА ни аниқлаш ёки Fe^{2+} /аскорбат тизими билан чақирилган ЛПО усулларидадан фойдаланиш препаратларни умумий антиоксидантлик хусусиятини аниқлаш имконини бермайди.

Бу ҳолда барқарор органик радикаллар каби эркин валентликка эга бўлган бирикмалардан фойдаланиш керак. Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган полифеноллар эркин радикалларни қайтариш хусусиятига эга. Антирадикал фаолликни ифодалаш учун t_{50} параметридан, яъни барқарор радикалларни дастлабки концентрациясини (2,2-дифенил-1-пикрилгидразил) 50 % тушириш учун сарфланган вақтдан фойдаланилди. ДФПГ билан полифенолларни реакцияси учун t_{50} қиймати 17 °С ҳароратда ПС-1 препарати учун - 105 с, ПС-2 препарати учун – 9,6 с, ПС-3 препарати учун – 900 с. ни ташкил қилди. Шундай қилиб ПС-2 нинг реакция хусусияти бошқа препаратларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди (1 жадвал).

1-жадвал

Реакция тезлигининг константаси, 50 % (IC_{50}) ингибирловчи концентрация ва ДФПГни 50 % қайтариш учун сарфланган вақт қийматлари (t_{50}).

$K \cdot 10^{-3}, c^{-1}$			$IC_{50}, \text{мкМ}$			$t_{50}, \text{сек}$ при 50 мкМ вещества		
ПС-1	ПС-2	ПС-3	ПС-1	ПС-2	ПС-3	ПС-1	ПС-2	ПС-3
1,2	5,3	0,4	14,3	7,2	8,6	105	9,6	900

Тадқиқ этилган бирикмалар жигар гомогенатида ЛПО махсулотларини олдини олиши ва юқори антирадикал хусусиятни намоён қилиши мазкур моддалар ҳақиқатдан ҳам антиоксидант эканлигидан далолат беради. Антиоксидантлик хоссаси полифенол бирикмалар молекулаларидаги ҳаракатчан водород атомини эркин радикалларга ўтиши билан ифодаланиб, ЛПО реакция занжирини тўхтади. Мазкур далил антиоксидантлик ва антирадикаллик хусусиятлар ўртасидаги корреляция коэффиценти $r=0.94$ га тенглиги билан ҳам тасдиқланди.

Тадқиқотлар давомида ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмаларини турли металл катионларининг митохондрия ички мембраналари ўтказувчанлигига таъсири ўрганилган бўлиб, олинган натижаларни таҳлили шуни кўрсатдики, изоосмотик муҳитда бир ва икки валентли катионлар иштирокида митохондрияларни бўқиш кинетикаси мазкур полифеноллар

ёрдамида фақат бир валентли катионларни пасив транспортига таъсир қилиши аниқланди. Полифенол бирикмалар таъсирида Мх ички мембраналарини ўтказувчанлиги 2 жадвалда келтирилган. Полифеноллар таъсирида Мх ички мембраналаридан K^+ катионларини ўтиши контролга нисбатан мос равишда 11, 10 ва 13 мартаба ошган. Na^+ катионларини ўтиши эса нисбатан камроқ кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, энг юқори ўтказувчанлик водород ионлари учун кузатилди.


2 жадвал

ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмаларини катионларнинг митохондриал мембраналари орқали пасив транспортига таъсири

Модда номи	Концентрация мкМ.	*Ўтказувчанлик А/Ао					
		H^+	K^+	Na^+	Ca^{2+}	Mg^{2+}	Ba^{2+}
Контроль	-	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
ПС-1	25	7,2±0,16	5,5±0,08	3,2±0,07	1,0	1,0	1,0
	50	11,3±0,17	9,8±0,15	5,6±0,08	1,0	1,0	1,0
	100	17,4±0,25	11,7±0,17	7,0±0,11	1,0	1,0	1,0
ПС-2	25	6,5±0,08	5,0±0,07	3,0±0,04	1,0	1,0	1,0
	50	10,8±0,15	9,1±0,13	5,5±0,08	1,0	1,0	1,0
	100	15,0±0,24	10,8±0,15	6,5±0,09	1,0	1,0	1,0
ПС-3	25	8,3±0,16	6,2±0,08	3,8±0,07	1,0	1,0	1,0
	50	12,8±0,17	10,8±0,15	6,8±0,08	1,0	1,0	1,0
	100	18,9±0,25	13,1±0,17	8,2±0,11	1,0	1,0	1,0

*Илова: А – полифенол бирикмалар таъсиридаги митохондрия ички мембранасининг ўтказувчанлиги, Ао – назоратда митохондрия ички мембранасининг ўтказувчанлиги.

Маълумки, ишқорий ер металл катионлари, маълум бир шароитларда, кислородли бирикмалар билан координацион боғлар ҳосил қилади. Merziak ва бошқалар томонидан полифенол бирикмалар ўзгарувчан металллар билан хелатлар ҳосил қилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқ қилинган полифенол моддаларни кальций, магний ва барий катионлари билан комплекс ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлаш мақсадида кондуктометриқ титрлаш усулидан фойдаланилди (4-расм).




4-расм. Ca^{2+} эритмасида полифенолларни кондуктометриқ титрлашнинг типик эгри чизиғи (бу ерда С – туз концентрацияси, L – полифенол концентрацияси)

Экспериментал натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, эритмадаги полифенол ва катионларни (Ca^{2+} , Mg^{2+} ва Ba^{2+}) концентрациясини ортиши, эритмадаги электр ўтказувчанлигини ўзгартирмайди (5 расм) ва платога чикмайди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, икки валентли катионларни пасив транспорти амалга оширилмаслиги ўрганилган полифеноллар билан комплекс ҳосил қилишидан мустасно.

Митохондрия ички мембраналарининг ўтказувчанлигида Ca^{2+} га боғлиқ мегапора mPTP (*mitochondrial permeability transition pore*) асосий ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, тадқиқотнинг кейинги босқичида полифенол бирикмаларни (ПС-1, ПС-2, ПС-3) mPTP фаоллигига таъсири ўрганилди. Антиоксидант фаолликка эга бўлган полифенол бирикмалар ЦсА-сезгир порани ёпиқ ҳолатга ўтказиши тўғрисида табиий савол туғилади.

Ca^{2+} ионлари Мх ички мембраналаридаги Ca^{2+} -боғлиқ мегаканални очик ҳолатга ўтказадиган классик индуктор ҳисобланади. Инкубацион муҳитга Ca^{2+} ионларини қўшилиши Мх бўқишига олиб келади (5 расм, контроль), бу ҳолат mPTP ни очик конформацион ҳолатга ўтишидан далолат беради.



5-расм. ПС-1 ни турли концентрацияларининг митохондрияларни бўқишига таъсири.

5 расмдан кўриниб турибдики, ПС-1 10 мкМ концентрациядан бошлаб mPTP ни очилишини ингибирлаш хусусиятини намоён қилади. Полифенолнинг концентрациясини 50 мкМ га ортиши mPTP ни деярли тўлиқ ингибирланишига олиб келди. mPTP ни ярим максимал ингибирлаш концентрацияси ПС-1 учун $\text{IC}_{50} = 23,7 \pm 1,6$ мкМ ташкил қилди.

Олинган натижалар ПС-1 ни Мх мембраналарига таъсири ЦсА-сезгир пора орқали таъсир қилиш мумкинлигини тахмин қилиш учун асос бўлиши мумкин. ПС-1 нинг mPTP га нисбатан таъсири mPTP даги оқсилларни функционал гуруҳлари билан водород боғлар орқали бирикиши туфайли амалга оширилиши мумкин, натижада поранинг конформацияси ўзгаради.

ПС-2 ва ПС-3 бирикмаларни тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики мазкур полифеноллар ҳам ПС-1 каби mPTP ни ингибирлаш хусусиятига эга.

Ушбу полифенол бирикмаларнинг солиштирма ингибирлаш қийматлари 3 жадвалда келтирилган.


3-жадвал

ПС-1, ПС-2, ПС-3 полифеноллари таъсирида mPTP нинг очилишини ингибирланиш қийматлари (%).

Модда	Модда концентрацияси, мкМ								
	10	20	30	40	50	80	100	150	200
ПС-1	11,2%	35%	50,8%	71,5%	95,3%				
ПС-2	0%	0%	0%	0%	10,9%	22,9%	29%	50,4%	85,5%
ПС-3	10,3%	29,5%	42%	51,5%	61,8%	84,4%	94,7%		

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида ўрганилган бирикмалар mPTP ни ингибирлаши ва Мх ЦсА-сезгир порасини самарали модулятори эканлигини таъкидлаш мумкин. Бундай химоявий таъсир полифенол моддаларни антиоксидантлик хусусияти билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Ўрганилган моддалар орасида ПС-1 кучлироқ ингибирловчи хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида полифенол бирикмаларни АТФ га боғлиқ калий канал ($\text{mitoK}_{\text{ATP}}$) фаоллигига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар ПС-1 10 ва 20 мкМ концентрацияда $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ -канални фаоллаштириши кўрсатган. Бирок, ўрганилган модданинг инкубацион мухитдаги концентрацияси 30 мкМ ва ундан юқори бўлганда эса канал фаоллигининг сусайишига олиб келганлиги аниқланди. Олинган натижалардан кўришиб турибдики ПС-1 $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ - каналга дозага боғлиқ равишда таъсир қилиб, икки фазали (фаоллаштирувчи ва ингибирловчи) таъсир кўрсатди. Шунинг учун чизилган график дўмбаз кўринишга эга (6-расм).



6-расм. Жигар митохондриялари АТФ га боғлиқ K^+ -канални фаоллигига полифеноллари таъсири.

АТФ ли ИМ: 125 мМ КСl, 1 мМ MgSO_4 , 2,5 мМ K_2HPO_4 , 2,5 мМ KH_2PO_4 , 10 мМ Nepes , 5 мМ сукцинат, ротенон 5 мкг/мл, 1 мкг/мл олигомицин, pH 7,4.

(** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$; $n=4$)

ПС-2 полифенол бирикмаси 10 ва 20 мкМ концентрацияларда $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ канални фаоллаштириши аниқланди (6 расм). ПС-2 концентрацияси 80 мкМ гача ортгани сайин каналнинг фаоллиги ҳам мос равишда ортиб борди. 100

мкМ концентрацияда платога чиқиш кузатилди. Бу ҳолатда $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ - каналнинг фаоллиги 4 мартаба ортади.


Олинган натижаларни таҳлил қилган ҳолда *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмалари орасида ПС-2 бирикмаси 80-100 мкМ концентрацияларда $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ -канални фаоллигини 4 мартабагача ошириб, энг юқори кўрсаткични ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Полифенол бирикмаларининг $\text{mitoK}_{\text{ATP}}$ -канални фаоллашишига таъсир қилиш кўрсаткичлари

Модда	Модда концентрацияси, мкМ							
	5	10	20	30	40	50	80	100
ПС-1	120%	168,7%	243,7%	225%	175%	122,2%	44,3%	21,6%
ПС-2	114%	137%	215%	255%	285%	325%	405%	420%
ПС-3	122%	168%	204%	218%	229%	238%	265%	292%

Диссертациянинг «*Euphorbia* ўсимлиги полифенолларининг клиник олди синовлари» деб номланган тўртинчи бобида *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган полифенол бирикмаларни антигипоксантик хусусиятларини аниқлаш натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра, сичқонларга перорал йўли билан берилган бирикмалар ҳаво кирмайдиган идишларга жойлаштирилган сичқонларни ўртача яшаш даврини узайтиради ва натижада антигипоксик хусусиятини намоён қилади (7 расм).



7-расм. Ҳаво кирмайдиган идишларга жойлаштирилган сичқонларнинг препаратлар таъсирида ўртача яшаш давомийлиги (мин).

Тадқиқотларни давом эттирган ҳолда, ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 препаратларни NaNO_2 билан чақирилган гемик гипоксия моделида антигипоксантлик хусусиятлари ўрганилди.

Тажрибалар оғирлиги $25 \pm 2,0$ г. бўлган 60 та оқ сичқонларда ўтказилди. Ҳар бир гуруҳда 10 тадан сичқон олинди.

Цитотоксик гемик гипоксияни тери остига 400 мг/кг дозада NaNO_2 юбориб чақирилди. Натижада барча сичқонлар нобуд бўлди. Гемик гипоксия қон тизмидаги бузилишлар натижасида келиб чиқади, яъни ундаги кислород ҳажми камаяди. Мазкур жараёнлар натижасида қондаги кислороднинг транспорти бузилади ва гемик гипоксия келиб чиқади. Мазкур метод ёрдамида тадқиқ этилган моддаларни антигипоксантлик хусусияти ҳайвонларни контролга нисбатан яшаш давомийлиги ортиши билан баҳоланди.

Препаратларнинг антигипоксик фаоллиги натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Препарат ва уни юбориш йўли	Доза мг/кг	Текширув вақти, соат	Сичқонларни яшаш давомийлиги, минут	Антигипоксик эффекти, %
Контроль		1	19,0±2,3	-
ПС-1 перорал	0,05	1	25,3±4,5	33,2
	0,1	1	21,3±3,6	12,1
ПС-2 перорал	0,05	1	20±2,0	5,3
	0,1	1	27±3,5	42,1
ПС-3 перорал	0,05	1	20,3±2,1	6,8
	0,1	1	26±2,4	36,8
Витамин В₁₂ Мушак орасига	0,1	1	27,9±2,0	46,8

Контрольга нисбатан *P <0,05

ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 препаратлари 0,05 ва 0,1мг/кг дозада перорал усул билан сичқонларга берилди, солиштириш учун Витамин В₁₂ қўлланилди. Контроль гуруҳдаги сичқонларга биоэквивалент микдорда дистилланган сув юборилди.

5 жадвалда кўрсатилганидек контроль гуруҳдаги сичқонларнинг ўртача яшаш давомийлиги 19,0±2,3 минутни ташкил қилди.

ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 препаратларини сичқонларга 0,1 кг/кг дозада юборилганда уларнинг яшаш давомийлиги мос равишда 21,3±3,6 мин., 27±3,5мин., 26±2,4 мин. гача узайган, ва унинг антигипоксик фаоллиги 12,1, 42,1 ва 36,8 % ни ташкил қилди.

Тадқиқотларни давом эттирган ҳолда, *Euphorbia* ўсимлигидан ажратиб олинган полифенол бирикмаларни заҳарлилиги аниқланди. ПС-1 бирикмасини сичқонларга 2500 мг/кг дозада перорал юборилганда нафас олиш тезлашиши, кўзлар юмилиши ва сичқонларни букилиши кузатилди, бу ҳолатда сичқонларнинг нобуд бўлиш кузатилмади. 3200 мг/кг дозада эса сичқонларни бушашиши, букилиши ва кўзларни юмилиши кузатилди.

Сичқонлар 1-2 соатдан сўнг ўз ҳолатига қайтиши кузатилди. Препаратни 4000 ва 5000 мг/кг дозада юборилганда, 10 минутдан сўнг нафас олиш оғирлашиши, ланжлик, умуртқа поғонаси чўзилиши, дум юқорига кўтарилиши кузатилди. Бир сутка давомида сичқонларни нобуд бўлиши 3200 мг/кг дозада 2/6, 4000 мг/кг дозада 4/6 ва 5000 мг/кг дозада 6/6 кузатилди.

6-жадвал.

Сичқонларга ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 препаратларини перорал йўл билан берилганда ўткир захарланиш кўрсаткичлари

Препаратлар	Юбориш йўли	Доза мг/кг	Нобуд бўлган/ гуруҳдаги хайвонлар сони	LD ₁₆ мг/кг	LD ₅₀ мг/кг	LD ₈₄ мг/кг
ПС-1	перорал	2500	0/6	3100	3550	4000
		3200	2/6			
		4000	4/6			
		5000	6/6			
ПС-2	перорал	1600	0/6	2800	3250	3800
		2500	0/6			
		3200	4/6			
		4000	6/6			
ПС-3	перорал	4000	0/6		≥8000	
		5000	0/6			
		6000	0/6			
		8000	0/6			

ПС-2 препаратини сичқонларга 1600 ва 2500 мг/кг дозада юборилганда ювиниши, букилиши кузатилди. 2-3 соатдан сўнг хайвонлар ўз ҳолатига қайтди. Препаратни 3200 мг/кг дозада юборилганда, кўзлари юмилиши, ювиниши, юқори вертикал фаоллик ва нафас олиш тезлашиши кузатилди. 2-3 соатдан сўнг хайвонлар ўз ҳолатига қайтиши аниқланди. Ҳайвонларни нобуд бўлиши бир сутка давомида 3/6 ни ташкил қилди. 4000 мг/кг дозада 5-10 минутдан кейин ювиниши, ланжлик, чуқур нафас олиш, кўзлари юмилиши, сийдик чиқиши, бушаш ва букилиш аломатлари кузатилди. Бир сутка давомида (6/6) барча сичқонларни нобуд бўлиши аниқланди.

ПС-3 препаратини сичқонларга 4000, 5000, 6000 ва 8000 мг/кг дозада юборилганда 20-30 минутдан кейин букилиш, нафас олишини тезлашиши ва кўзлар юмилиши кузатилди. 5-6 соатдан сўнг хайвонлар ўз ҳолатига қайтган. Нобуд бўлиш кузатилмади.

Ўрганилган бошқа параметрлар асосида (14 кун давомида) тери қатламида, дум ҳолати, фекал массасини миқдори ва консистенцияси, оғирлик ўзгариши ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 препаратлар юборилганда норма ҳолатидан четланиши аниқланмади.

Шундай қилиб, ўткир захарлилигини ўрганиш натижасида ПС-1 ва ПС-2 бирикмалари IV кам захарли моддалар синфига кириши аниқланди. LD₅₀ қийматлари мос равишда 3550 (-630+650) мг/кг ва 3250 (-440+480) мг/кг ни ташкил қилди. ПС-3 препаратини ўткир захарлилиги ўрганилганда, мазкур бирикма V захарли бўлмаган бирикмалар синфига кириши аниқланди, LD₅₀ қиймати ≥8000мг/кг ни ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Euphorbia ўсимликларидан ажратиб олинган 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-1), 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-2), 1,4,6 три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза (ПС-3) полифенол бирикмалари *in vitro* шароитида юқори антиоксидантлик ва антирадикаллик хусусиятларни намоён қилади. Ушбу моддалар митохондрияларда мембранавий бузилишларни олдини олади ҳамда ЛПО жараёнларини ингибирланишига олиб келади.

2. ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмалар *in vitro* шароитида дозага боғлиқ равишда кальций билан чақирилган митохондрия бўқишини олдини олади, бу эса митохондриал мегапорани очилишини ингибирланишидан далолат беради.

3. Полифенол бирикмаларни концентрацияси ортагани сайин mitoK_{АТР} - канал фаоллашади ва ўз навбатида митохондрия матриксига калий ионларининг транспортини ошириб, митохондриал мембрана потенциалини камайишига олиб келишини билдиради.

4. ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмалар бир валентли катионларни митохондрия ички мембранаси пассив ўтказувчанлигини оширишини таъминлаган ҳолда, икки валентли катионларни ўтказувчанлигига таъсири кўрсатмайди.

5. Клиник олди синовларда ПС-1, ПС-2 ва ПС-3 полифенол бирикмалар антигипоксанти хусусиятни намоён қилиши аниқланган. Ушбу моддалар IV - V кам захарли ва захарли бўлмаган бирикмалар синфига кириши намоён қилинди.

6. Полифенол бирикмаларни антиоксидант/антирадикал ва антигипоксанти хусусиятлари ўртасида юқори боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Корреляция коэффиценти ўртача $R^2 = 0,9$ ташкил қилади.

7. Олинган натижалар Euphorbia ўсимликларидан ажратиб олинган моддалар асосида антигипоксанти фаолликка эга дори воситаларини яратиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017 В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ГАЙИБОВ УЛУГБЕК ГАППАРЖАНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ПОЛИФЕНОЛЬНЫХ СОЕДИНЕНИЙ РАСТЕНИЙ
EURHORBIA НА ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПАРАМЕТРЫ
МИТОХОНДРИЙ**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4. PhD/B249

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (info@microbio.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Арипов Тахир Фатихович**
доктор биологических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Кучкарова Любовь Салижановна**
доктор биологических наук, профессор

Суяров Акрам Амиркулович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» декабря 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017 B.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул.А. Кадырий, 7б, конференц-зал института Микробиологии. 5-й этаж. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под №__). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул.А. Кадырий, 7б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека Института микробиологии. Тел: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан: «__» декабря 2018 г.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» декабря 2018 г.)

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
Зам. председателя Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Жураева Рохила Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней к.б.н.

Рахимова Турахон Узаковна
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из актуальных задач современной медицины и фармакологии является создание эффективных лекарственных препаратов, обладающих направленным действием и минимальными противопоказаниями. Следует отметить, что причиной многих заболеваний является нарушение функций митохондрий, которое в той или иной мере инициирует патологический процесс и сопутствует его течению. В этом отношении, повышение процессов адаптации организма при различных стресс-факторах с помощью полифенольных соединений и создание на их основе конкурентоспособных терапевтических препаратов направленного действия (нейро- и кардио-протекторов, антигипоксантов) имеет научное и практическое значение.

В исследованиях многих стран мира, особое внимание уделяется биологически активным соединениям, а именно полифенолам, воздействующих на функциональные параметры митохондрий. Полифенольные соединения обладают широким спектром биологической активности – антиоксидантной и мембраноактивной, способностями снижать мембранный потенциал, ингибировать митохондриальную мегапору (mPTP), активировать АТФ-зависимый калиевый канал (mitoK_{ATP}), а также низкой токсичностью. Таким образом, полифенолы являются ценным источником для создания на их основе перспективных лекарственных препаратов. При этом создание фармакологических препаратов на основе полифенольных соединений основано на том, что полифенолы легко воздействуют на факторы-«мишени», проявляют высокую антиоксидантную активность, усиливают процесс адаптации организма к различным стресс-факторам. Исследования, направленные на поиск перспективных лекарственных препаратов на основе полифенольных соединений и определение их влияния на функциональные параметры митохондрий, дают важную информацию, необходимую для разработки новых лекарственных препаратов терапевтического действия.

В настоящее время в нашей стране проведены масштабные реформы по улучшению материально-технической базы диагностики и лечения различных заболеваний, и обеспеченности фармацевтическими препаратами. Тем не менее, современные методы диагностики и лечения заболеваний, в основе которых лежат митохондриальные дисфункции, имеют недостаточную научную базу. Проведение научных исследований в этом направлении позволит разработать новые методики лечения и создание эффективных, доступных для населения и поставщиков медицинских услуг лекарственных препаратов, перечисленных в Стратегии действия для дальнейшего развития Республики Узбекистан. В этом отношении, важную роль играет создание нейро- и кардио-протекторных, и антигипоксантных препаратов на основе местного сырья, конкурентоспособных на мировом рынке, чему и посвящена данная диссертационная работа.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» ПП-3532, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения» № ПП-3489, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ведущими учеными крупнейших научно-исследовательских центров мира М. Crompton (1999), K.D. Garlid (2003), M.R. Duchon (2010), J.J. Lemaster (1997), R. Ferranti (2003), P. Bernardi (2007), О.И. Аكوпова (2008), Л.Д. Лукьянова (2013) проведены многочисленные исследования роли митохондрий и их дисфункций в организме в условиях *in vitro* и *in vivo*. В трудах английского ученого А.Р. Halestrap (2003) описаны структура и механизм регуляции митохондриального мегаканала mPTP. В работах R. Ankur (2012) подробно описаны составляющие компоненты канала и его функции. В работах Г.Д. Мироновой исследовано влияние биологически активных соединений на функционирование mitoK_{ATP} канал и mPTP.

В странах СНГ исследователи В.Е. Новиков (2013) и его ученики подробно изучили механизмы регуляции митохондриальных дисфункций в различных патологических состояниях, таких как гипоксия, ишемия/реперфузия.

В нашей республике М.И. Асаровым (2015), К.Т. Алматовым (2017) и др. проведены исследования и получены важные результаты о влиянии различных полифенольных соединений на функциональные параметры митохондрий. В 1990-х годах были начаты систематические исследования митохондриальных дисфункций, в частности важной роли mPTP в качестве протекторного агента митохондрий при различных патологических состояниях. Особенность настоящей работы заключается в исследовании влияния ранее не изученных полифенольных соединений растений *Euphorbia*, выделенных сотрудниками Экспериментально-технологической лаборатории под руководством проф. С.М. Мавлянова, на функциональные параметры митохондрий. Исследования в этом направлении актуальны и имеют научно-практическое значение.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами института, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ фундаментальных и прикладных проектов Института биоорганической

химии АН РУз: ПЗ 20170919129 «Разработка биологически активных добавок «Tinchitish-Shifo» и «Buyrak-shifo» в виде сиропа на основе местного сырья» (2017-2019), ФА-АЁО-11 «Разработка оптимального метода получения водорастворимых комплексов включения лютеолина и его производного цинарозида с циклодекстринами и изучение их биологической активности» (2015-2017), ВА-ФА-Ф-7-004 «Исследование строения координационных биоактивных лигандов и их образования в зависимости от температуры».

